XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 5 - yanvar VI-31-5-3-0-K/22 Jizzax viloyati hokimligi

Жиззах вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/836-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сонли Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Жиззах вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 1727,2 млрд. сўм, харажатлари 2551,8 млрд. сўм прогноз қилинганлиги ҳамда Республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 824,6 млрд. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун Жиззах вилоятини ривожлантиришнинг асосий

макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йиллар учун мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2022 йил учун вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун туманлар ва Жиззах шаҳар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туманлар ва Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Жиззах вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2022 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози ҳамда вилоят бюджетидан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5- ва 6-иловаларга мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 9,7 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Туманлар ва шаҳар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Жиззах вилояти вилоят бюджетининг, туманлар ва шаҳар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалари миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

8. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети шахсий ғазна

ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 6,7 млн. сўмни ҳамда туманлар ва шаҳар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

9. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 $м^2$ учун учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 9-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

б) Қуйидагилар вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент

божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

в) Жиззах шаҳар ва туманлар бюджетга қуйидаги улушларда:

акциз солиғи (бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ даромад солиғи) Жиззах шаҳрида 10 фоизи, Зафаробод туманида 20 фоизи, Фориш туманида 70 фоизи, қолган туманларда 100 фоизи ўтказилади;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ Шароф Рашидов туманида 30 фоизи, Зафаробод туманида 10 фоизи, Ғаллаорол туманида 10 фоизи қолган (Бахмал, Фориш) туманларида 100 фоизи ўтказилади.

11. Мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади. Бунда Жиззах шаҳар ҳокимлигининг таклифига асосан шаҳар маҳаллий бюджетига мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи

бўйича тушумлар вилоят бюджетида қолдирилади.

12. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Мустанов), Молия бош бошқармаси (А.Раҳматуллаев), Давлат солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов) туман (шаҳар) ҳокимликлари ва масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ҳамда коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлари базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

13. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов), шаҳар ва туманлар давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

14. Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари (О.Мусанов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов), Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Ш.Қўқонбоев) 2022 йилдан бошлаб, юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 $м^2$ учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин ва ушбу солиқ тури ундирилиши борасидаги ўзгаришлар тадбиркорлик субъектларига иқтисодий жиҳатдан қандай таъсир этиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатиб, Халқ депутатлари вилоят сессиясига ахборот киритиб борсин.

15. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг Жиззах минтақавий инспекцияси ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари

ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

16. Мажбурий ижро бюроси Жиззах вилояти бошқармаси (С.Жаббаров) вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

17. Маҳалла ва оилани қўллаб қуватлаш бошқармаси (Н.Мухторова), туман ва шаҳар ҳокимликлари жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

18. Давлат активларини бошқариш агентлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Исраилов) Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси (Л.Тошмуродов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auction» майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

19. Давлат активларини бошқариш агентлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Исраилов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси

(Б.Тошпўлатов), вилоят Молия бош бошқармаси (А.Раҳматуллаев) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

20. Монополияга қарши кўрашиш қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси (И.Маматқулов) туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

21. Сирдарё - Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошқармаси (Ш.Джўраев) ва вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов) туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

22. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ғ.Қодиров), Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Х.Холқўзиев), Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (Б.Умурзоқов) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

23. Давлат молиявий назорати Жиззах вилояти бошқармаси - халқ таълими, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг Ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар ой якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи ҳар чоракда эшитиб борилсин.

24. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлар асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда, Кенгаш қарори лойиҳаси ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга, мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

25. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Туман ва шаҳар бюджетлари жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларнинг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари, бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва

таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимликлар расмий веб-сайтларига жойлаштирилиб борилсин.

26. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Мустанов), халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти, туман ва шаҳар ҳокимликлари, тегишли бошқарма бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга ҳар чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

27. Вилоят ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

28. Мазкур қарор “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

29. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

30. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
1-илова

2022 йил учун Жиззах вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз	2023 йил учун мўлжал	2024 йил учун мўлжал
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд. сўмда	24005,0	27350,0	30953,3
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	6,8%	6,0%	6,1%
3.	Истеъмол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	10,6%		
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	107,4%	107,9%	108,5%
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,5%	103,9%	104,0%
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	119,3%	120,5%	117,0%

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
2-илова

Жиззах вилоятининг вилоят маҳаллий бюджети даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами	ЖАМИ	863 020 710,0
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	131 341 500,0		
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	85 230 000,0		
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	275 093 500,0		
4	Акциз солиғи, жами	21 991 600,0		
	шу жумладан:			
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*21 991 600,0*		
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	23 731 100,0		
6	Юридик шахслар ер солиғи	25 693 200,0		
7	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	78 581 900,0		
8	Йиғимлар	65 288 000,0		
9	Давлат божи	40 059 000,0		
10	Жарималар	53 419 000,0		
11	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	4 294 000,0		
12	Хусусийлаштиришдан тушум	25 000 000,0		
13	Бошқалар	3 907 000,0		
14	Республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромадлар	29 390 910,0		
	шу жумладан:			
	Арақдан акциз солиғи (шу жумладан пиво)	11 123 800,0		
	Мобил алоқа хизматидан акциз солиғи	6 337 240,0		
	Тамаки акциз солиғи	11 929 870,0		

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
3-илова

2022 йилги Жиззах вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Вилоят бюджети
Харажатлар миқдори, Жами		**976 367 158,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**704 332 153,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**272 035 005,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**824 646 268,0**
1	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**2 427 915,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 427 915,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Халқ таълими бошқармаси**	**64 886 719,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	64 886 719,0
	шундан:	
	"Ёшлик" спорт маркази харажатлари	299 973,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	**871 877,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	871 877,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**275 468 991,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	275 468 991,0
	шундан:	
	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасини сақлаш харажатлари	2 272 380,0
	Вилоят илмий Тиббиёт кутубхонаси	254 949,0
	Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази филиали	1 287 784,0
	Тиббий-ижтимоий хизматлар бошқармаси	29 823 557,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Маданият бошқармаси**	**25 243 079,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	25 243 079,0
	шундан:	
	Вилоят маданият бошқармасини сақлаш харажатлари	805 502,0

	Вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаби	8 447 538,0
	Вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати	5 712 674,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Туризм ва спорт бошқармаси**	**27 785 540,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	27 785 540,0
	шундан:	
	Вилоят Туризм ва спорт бошқармасини сақлаш харажатлари	4 894 811,0
	Жиззах вилояти тарихи ва маданияти Давлат музейини сақлаш харажатлари	1 685 881,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари**	**2 571 726,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 571 726,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**17 076 303,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	17 076 303,0
	шундан:	
	Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	252 909,0
	Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари	1 000 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**8 826 354,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 826 354,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари**	**9 891 945,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 891 945,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**117 284 652,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	117 284 652,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Транспорт департаменти**	**2 123 521,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 123 521,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**9 981 578,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 981 578,0

	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Молия бош бошқармаси**	**12 602 887,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 602 887,0
	шундан:	
	Молия тизими ходимларининг малака ошириш харажатлари	58 532,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	824 646 268,0
15	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**9 319 395,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 319 395,0
	шундан:	
	Пенсия малака ошириш харажатлари	30 656,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**1 320 876,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 320 876,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**21 658 819,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 658 819,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	**Ветеринария бошқармаси**	**4 834 606,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 834 606,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19	**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Жиззах вилоят бошқармаси**	**1 436 195,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 436 195,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20	**Давлат активларини бошкариш агентлиги вилоят бошқармаси**	**1 543 269,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 543 269,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21	**Бандлик бош бошқармаси**	**1 440 273,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 440 273,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 120 331,0**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар	2 120 331,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23	**Инвестициялар ва ташқи савдо бош бошқармаси**	**6 070 402,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 070 402,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24	**Адлия бошқармаси**	**6 010 642,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 010 642,0
	шундан:	
25	**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси**	**10 801 560,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 801 560,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26	**Давлат ҳокимият органлари**	**295 418 316,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	23 383 311,0
	шундан:	
	Тадбиркорлар мурожаатлари бўйича Бош вазир қабулхонаси	2 668 110,0
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси	448 758,0
	Ижтимоий мослашув маркази	96 847,0
	Захира жамғармаси	9 667 001,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	272 035 005,0
27	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Жиззах вилоятидаги ташкилотлари**	**1 654 225,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 654 225,0
	шундан:	
	Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти	424 343,0
	Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди	1 229 882,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациянинг вилоятдаги ташкилотлари**	**8 530 195,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 530 195,0
	шундан:	
	Халқ қабулхонаси	5 075 697,0
	Вилоят хокимлиги Расмий қабуллар уйи	1 512 587,0
	Жиззах вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси	516 192,0
	Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят ахборот кутубхона маркази	1 425 719,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

29	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспецияси вилоят бошкармаси**	**6 357 449,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 357 449,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30	**Давлат архиви бошқармаси**	**1 723 363,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 723 363,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31	**Жиззах вилоят Маънавият тарғибот маркази**	**2 616 513,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 616 513,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**1 640 872,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 640 872,0
	шундан:	
	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	69 154,0
33	**Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси**	**138 942,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	138 942,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34	**Ёшлар Агентлиги**	**5 693 403,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 693 403,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35	**Бошқа ташкилотлар**	**8 994 425,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 994 425,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг бошқа тушумлари*
1	Жиззах шаҳри	40	20	0	100	100	100	0	100	10	30	100	40	0
2	Арнасой тумани	100	100	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0
3	Бахмал тумани	100	100	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100	0
4	Ғаллаорол тумани	40	100	0	100	100	100	10	100	100	50	100	10	0
5	Шароф Рашидов тумани	30	100	0	100	100	100	30	100	100	100	100	100	0
6	Дўстлик тумани	60	100	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0
7	Зомин тумани	80	0	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0
8	Зарбдор тумани	90	100	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0
9	Зафаробод тумани	10	10	0	100	100	100	10	100	20	20	100	20	0
10	Мирзачўл тумани	100	100	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0
11	Пахтакор тумани	80	0	0	100	100	100	0	100	100	30	100	80	0
12	Фориш тумани	70	50	0	100	100	100	100	100	70	80	100	100	0
13	Янгиобод тумани	100	100	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0

Изоҳ: ***** Ер участкаларига булган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари
Бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шаҳар бюджетига тушумлар
Вилоятга бўйсунадиган туман ва шаҳар бюджетининг бошқа тушумлари
Хусусийлаштиришдан тушган тушумлар

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
5-илова

Вилоят маҳаллий бюджетларининг 2022 йил даромадлари режаси

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромад	шундан			
		Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Солиқ режаси	шундан	
				Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	Вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори
ЖАМИ	**1 727 168 000,0**	**229 710 000,0**	**1 497 458 000,0**	**663 828 200,0**	**833 629 800,0**
Вилоят бюджети	29 390 910,0	29 390 910,0			
Жиззах шаҳри	514 850 000,0	0,0	514 850 000,0	151 414 600,0	363 435 400,0
Арнасой тумани	29 146 220,0	7 545 220,0	21 601 000,0	17 975 000,0	3 626 000,0
Бахмал тумани	91 791 840,0	25 956 840,0	65 835 000,0	55 132 000,0	10 703 000,0
Ғаллаорол тумани	147 922 030,0	28 488 030,0	119 434 000,0	57 795 300,0	61 638 700,0

Шароф Рашидов тумани	236 653 470,0	36 984 470,0	199 669 000,0	93 117 200,0	106 551 800,0
Дўстлик тумани	68 632 920,0	10 801 920,0	57 831 000,0	34 441 200,0	23 389 800,0
Зомин тумани	137 528 490,0	27 230 490,0	110 298 000,0	76 042 000,0	34 256 000,0
Зарбдор тумани	64 201 930,0	14 364 930,0	49 837 000,0	39 109 400,0	10 727 600,0
Зафаробод тумани	197 602 800,0	8 544 800,0	189 058 000,0	23 506 600,0	165 551 400,0
Мирзачўл тумани	41 594 350,0	8 222 350,0	33 372 000,0	27 835 000,0	5 537 000,0
Пахтакор тумани	70 744 410,0	12 317 410,0	58 427 000,0	33 978 900,0	24 448 100,0
Фориш тумани	77 246 420,0	15 219 420,0	62 027 000,0	41 195 000,0	20 832 000,0
Янгиобод тумани	19 862 210,0	4 643 210,0	15 219 000,0	12 286 000,0	2 933 000,0

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
6-илова

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромадлар	шундан			Маҳаллий бюджет харажатлари
		Маҳаллий бюджет даромадлари	Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Тартибга солувчи трансферт миқдори	
ЖАМИ	**2 551 814 268,0**	**1 497 458 000,0**	**229 710 000,0**	**824 646 268,0**	**2 551 814 268,0**
Вилоят бюджети	976 367 158,0	833 629 800,0	29 390 910,0	113 346 448,0	976 367 158,0
Жиззах шаҳри	152 753 229,0	151 414 600,0	0,0	1 338 629,0	152 753 229,0
Арнасой тумани	67 062 052,0	17 975 000,0	7 545 220,0	41 541 832,0	67 062 052,0
Бахмал тумани	150 497 834,0	55 132 000,0	25 956 840,0	69 408 994,0	150 497 834,0
Ғаллаорол тумани	185 104 489,0	57 795 300,0	28 488 030,0	98 821 159,0	185 104 489,0
Шароф Рашидов тумани	219 930 550,0	93 117 200,0	36 984 470,0	89 828 880,0	219 930 550,0
Дўстлик тумани	94 032 351,0	34 441 200,0	10 801 920,0	48 789 231,0	94 032 351,0

Зомин тумани	193 222 044,0	76 042 000,0	27 230 490,0	89 949 554,0	193 222 044,0
Зарбдор тумани	104 757 212,0	39 109 400,0	14 364 930,0	51 282 882,0	104 757 212,0
Зафаробод тумани	71 974 872,0	23 506 600,0	8 544 800,0	39 923 472,0	71 974 872,0
Мирзачўл тумани	79 660 382,0	27 835 000,0	8 222 350,0	43 603 032,0	79 660 382,0
Пахтакор тумани	89 376 223,0	33 978 900,0	12 317 410,0	43 079 913,0	89 376 223,0
Фориш тумани	111 877 830,0	41 195 000,0	15 219 420,0	55 463 410,0	111 877 830,0
Янгиобод тумани	55 198 042,0	12 286 000,0	4 643 210,0	38 268 832,0	55 198 042,0

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
7-илова

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**13 157 000,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	**6 733 000,0**
2	Жиззах шаҳри	**1 109 000,0**
3	Арнасой тумани	**270 000,0**
4	Бахмал тумани	**518 000,0**
5	Ғаллаорол тумани	**745 000,0**
6	Шароф Рашидов тумани	**686 000,0**
7	Дўстлик тумани	**356 000,0**
8	Зомин тумани	**669 000,0**
9	Зарбдор тумани	**391 000,0**
10	Зафаробод тумани	**326 000,0**
11	Мирзачўл тумани	**314 000,0**
12	Пахтакор тумани	**361 000,0**
13	Фориш тумани	**438 000,0**

14	Янгиобод тумани	**241 000,0**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
8-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2021 йил учун (минг.сўмда)
1	Жиззах шаҳар	1,25	36 300,0
2	Арнасой тумани	1,00	29 000,0
3	Бахмал тумани	1,15	33 400,0
4	Ғаллаорол тумани	1,15	33 400,0
5	Шароф Рашидав тумани	1,20	34 800,0
6	Дўстлик тумани	1,15	33 400,0
7	Зомин тумани	1,20	34 800,0
8	Зарбдор тумани	1,15	33 400,0
9	Зафаробод тумани	1,00	29 000,0
10	Мирзачўл тумани	1,00	29 000,0
11	Пахтакор тумани	1,15	33 400,0
12	Фориш тумани	1,00	29 000,0
2	Янгиобод тумани	1,00	29 000,0

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
VI-31-5-3-0-K/22-сон қарорига
9-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 м^2 учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
1	Жиззах шаҳар	1,65	429,0
2	Арнасой тумани	1,00	260,0
3	Бахмал тумани	1,07	278,2
4	Ғаллаорол тумани	1,10	286,0
5	Шароф Рашидов тумани	1,17	304,2
6	Дўстлик тумани	1,15	299,0
7	Зомин тумани	1,03	267,8
8	Зарбдор тумани	1,12	291,2
9	Зафаробод тумани	1,00	260,0
10	Мирзачўл тумани	1,00	260,0
11	Пахтакор тумани	1,15	299,0
12	Фориш тумани	1,00	260,0
13	Янгиобод тумани	1,00	260,0